

Муаллиф:

13.03.2014 23:45 - Янгиланди 13.03.2014 23:46

---

## **МУХТАРАМ ЁШЛАРГА МУРОЖААТ**

Хар бир мамлакатда ислохот ва маданият асбобига тавассул ва ташаббус этмоклик харакати у мамлакатнинг ёшлари тарафидан зухур эта бошлагани каби, бизнинг Туркистонда хам маданият эшиги манзаласида бўлган макотиби ибтидоийя или интибоҳ ва ислохот жарчиси бўлган миллий матбуот гайратлу ёшларнинг харакоти маорифпарвароналари соясида вужудга келди. Шунинг учун хар бир миллий хавойижимиздан бўлган мушкул ишларда ёлгиз ёшларимизни маржъ ва умидгоҳ тутиб, алардан ёрдам сўраймиз (моллари ёки сўзлари или миллат фоидасига ёрдамлари текган баъзи уламоу агниёмиз хам ёшлар каторидадурлар).

Мухтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равshan ва аёндурки, макотиб—тараккийнинг бошлангичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Хар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараккий йўлига киrub маданиятдан фойдаланмас. Маданияти хозирадан маҳрум колуб, саноeъ ва маориф салохи или куролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас. «Муборизаи хаёт» майдонида мутлако маглуб бўлур, оёклар остида эзилур, диний, иктисадий ишларда ўзгаларнинг асири бўлуб, бора-бора миллият ва диёнатини хам хўлдан берур. Ана ушбу йўллар или охири маҳв ва нобуд бўлуб кетар.

Биноан алайх, ер юзидағи барча миллатлар ўз болаларини ибтидоий тарбиясига ва мактабларнинг хар жихатдан интизом ва акмолига ахамият беруб болаларини миллий ва диний руҳда мукаммал суратда етушдуарлар. Анинг учундурки, ўзга миллатлар диний ва миллий хиссиётга молик бўлуб, хар ишда диёнат ва миллиятни мукаддам тутарлар. Ва лузуми келганда бу йўлда молу жонларини фидо этмокга хозир турарлар. Мана, хозирги урушлар ва иктисадий тортишлар диёнат ва миллият хиссиёти натижасидур.

Эиди, бизни Туркистонда мундай хиссиётлар кайда? Модомики, биз туркистонийлар нлму маорифдан хаккинча истифода этмаймиз. Фазойили инсониядан саналган шайлар кандай хосил бўлур? Чин инсоният нимадан иборат эканлигини кайдан билурмиз?

Бизларда бир фазилат бор бўлса, ул хам факат таассуботи жохилонадан иборатдур. Демак, бизлар хозирги нимокла диёнатимизни ёлгуз таассуб соясида саклаб турубмиз. Лекин ушбу тамаддун асирида илмсиз курук таассуб или хам яшаб бўлмас. Чунки

Муаллиф:

13.03.2014 23:45 - Янгиланди 13.03.2014 23:46

---

замонамиз шундай зўрки, озгина фурсатда чурук таассуботимизни асосидан кўпаруб ташлайдур. Шунинг учун замонанинг муҳлиқ асбобига каршу муковамат этадургон бир нарса бор бўлса, ул-да маорифдур.

Тахсили маорифни ибтидоий кисми мунтазам мактаблар бўлган учун энди биз Туркистон мусулмонлариға ибтидоий мактабларни кўпайтурмок лозимдур. Табиий, мактаб муаллимсиз кўпаймас. Хозирда эса Туркистонда муаллим оз бўлуб, муаллимларга эҳтиёжимиз шадиддур. Чунки бу кунларда янги мактаб хаваскорони кундан-кун зиёдалашмокдадурки, муаллимлар мавжуд бўлган такдирда хар йил Туркистоида юзларча мактаб очмок мумкиндур.

Энди ушбу мушкул холларни назари эътиборга олуб, Туркистон ёшлари муаллим етушдурмокнинг чорасини топмоклари лозимдур. Агар букупнги ёшларимиз ушбу мухим вазифа ва хизматни ифо этмакга касд эта бошласалар, муаллим етушдурмокни чораси хам топилса керак. Чунончи, Туркистонда муаллим чикормак учун дорилмуаллимин бўлмаса хам, хар шахарда усули таълимдан хабардор бир-икки нафар муаллим, албатта, бордур. Ана, муаллимликка толиб кишиларни аларнинг хузурига юборуб, 3-4 ой зарфида усули таълимдан хабардор килдурмок мумкиндур. Агар бояфарз, ушбу хидматни муаллимларимиз илтизом килмасалар, ул холда муаллимликка хаваскор ёшларни бироз захматлик бўлса хам, тўгридан-тўгри Тошканда Мунаввар-кори жанобларининг мактабига юбормок керакдурки, мушорун алайхнинг мундай толибларни маалмамнуният кабул этмокларига аминдурмиз. Ишта, мухтарам кариндошлар, миллатимизнинг тилаги ва энг зўр эҳтиёжи ушбу шайлар эдики, назари олийларингиза арзу такдим этдук. Энди гайрат сизлардан, тавфик Олдодандур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 41-сон, 970—972-бетлар.